

“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

**Сурхондарё вилояти,
Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй.**

2025 йил 16-октябрь.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188 дона

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият Бош директорининг 2025-йил 24-сентябрьдаги 01-12/101А-сонли таклифи инобатга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2025-йил 25-сентябрьдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2025-йил 16-октябрьда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025-йил 13-октябрь.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядори 1 256 736 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан Тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Хакимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. А.Исломов – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. М.Қаюмов – Жамият кузатув кенгаши аъзоси;

3. Н.Гулямов – Жамият кузатув кенгаши аъзоси, “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.Зубаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2025-йил 13-октябрь ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 886 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 614 780 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 65,53 фоизни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ў.Қиличов-жамиятнинг Бош директори;

У.Маматалиев – жамиятнинг Бош бухгалтери;

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.

2. “Шеробод пахта тозалаш” АЖни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖ таркибига қўшиш тўғрисида.

3. Қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаш.

4. Топшириш далолатномасини тасдиқлаш.

5. Акцияларни қайтариб сотиб олиш масаласи.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чикиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилишнинг кун тартибидаги 5 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилишини мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

А.Исломов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2025-йил 25-сентябрь йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси – Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ Бош бухгалтери – Маматалиев Умар Нуриддинович, “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси – Гулямов Нигматулло Кадиновичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 614 780 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич;

2) Маматалиев Умар Нуриддинович;

3) Гулямов Нигматулло Кадинович.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Исломов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарни тугатиш ишлари амалга оширилаётганлиги хақида маълум қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 21-августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларни фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 38-бандига асосан тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги белгиланган.

Бугунги кунда, Давлат активлари агентлиги раҳбарияти билан келишилган ҳолда “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги корхоналарни тугатиш жараёнларини тезлаштириш, тугатиш харажатларини қисқартириш мақсадида пахта тозалаш корхоналарини қўшиш ёки бирлаштириш орқали тугатиш бўйича ишлар олиб борилаётганлиги айтиб ўтди.

Шунга мувофиқ, пахта тозалаш корхоналарининг кузатув кенгашлари томонидан жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилаш ташкил этилиб, жамиятларни белгиланган тартибда қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги масалани акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-мартдаги ПҚ-4633-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш Лойиҳа офисининг 2025-йил 15-сентябрдаги SX-12-216-сонли хати жамият Кузатув кенгашига ижро учун юборилган (*Лойиҳа офисининг мурожаати илова қилинади*).

Юқоридагиларга кўра, “Шеробод пахта тозалаш” АЖни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги масалани белгиланган тартибда амалга ошириш мақсадида акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган.

Шу муносабат билан, “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг бир дона акцияси “VERITAS” МЧЖ баҳоловчи ташкилот томонидан 2025-йил 01-майда **24 333,13 (Йигирма тўрт минг уч юз ўттиз уч сўм ўн уч тийинга) сўмга** баҳоланган ва экспертизадан ўтказилган.

Қўшимча сўзга чикган жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Қаюмов юқорида айтиб ўтилган, яъни “Шеробод пахта тозалаш” АЖни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги масалани маъқуллаб, ўз фикрини билдирди. Ушбу масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорлардан “Шеробод пахта тозалаш” АЖни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖ таркибига қўшиб олиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” — 1 256 736 та овоз, “Қаршилар” — 358 044 та овоз, “Бетарафлар” — йўқ, “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, “Ўзпахтасаноат” АЖ ва

унинг тизимидаги корхоналарни тугатиш ишларини жадаллаштириш, харажатларни қисқартириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларига асосан белгиланган тартибда, “Шеробод пахта тозалаш” АЖни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга таркибига қўшиб олишга розилик берилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Исломов сўзни жамият Бош директори Ў.Қиличовга берди. У ўзининг маърузасида, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 94-моддасига мувофиқ бир ёки бир нечта юридик шахс фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилиши ҳақида эслатиб ўтди.

Бундан ташқари, қўшиб олинаётган жамият ва қўшиб олаётган юридик шахс қўшиб олиш тўғрисида шартнома тузади, унда қўшиб олиш тартиби ва шартлари, шунингдек қўшиб олинаётган жамиятнинг акцияларини (улушларини) қўшиб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) улушига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир юридик шахснинг кузатув кенгаши ёхуд ваколатли органи қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани қўшиб олишда иштирок этаётган ўз жамияти акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиши белгилаб қўйилганлиги сабабли мазкур акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилмоқда.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖнинг тугатиш комиссияси раиси ва “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг Кузатув кенгаши аъзоси сифатида Ў.Қиличовнинг таклифини маъқуллаб, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖ таркибида қўшилиши муносабати билан қўшиб олиш шартномаси тузилиши лозимлигини тўғрисида айтиб ўтди.

Ушбу талабларга асосан “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамиятини “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш тўғрисида шартнома тайёрланган ва унда қўшиб олиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган (*шартнома илова қилинади*).

Жумладан, шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қўшилиш тартиби босқичлари, ҳуқуқий ворислик, шартноманинг амал қилиши ва уни муддатидан олдин бекор қилиш ҳамда бошқа шартлар белгиланган.

Шунингдек, шартномада қўшиб олинаётган “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг акцияларини қўшиб олаётган “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖнинг акцияларига айирбошлаш тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, қўшиб олинаётган жамиятлар акцияларини қўшиб олаётган жамият акцияларига айирбошлаш ушбу акциядорлик жамиятлари акцияларининг баҳоланган қиймати бўйича амалга оширилади (*қўшиб олиш шартномасининг 1 ва 1а-иловалари*).

Кун тартибидаги учинчи масала йиғилишда қатнашаётган акциядорлар томонидан муҳокама қилингандан сўнг йиғилиш раиси А.Исломов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 256 736 та овоз; “Қаршилар”- 358 044 овоз; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1.Қўшиб олинаётган “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва қўшиб олаётган “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖ ўртасида қўшиб олиш тўғрисидаги шартномаси тасдиқлансин.

2.Қўшиб олинаётган “Шеробод пахта тозалаш” АЖ акцияларини қўшиб олаётган “Қумқўрғон тозалаш” АЖ акцияларига айирбошлаш ушбу акциядорлик жамиятлари акцияларининг баҳоланган қиймати бўйича (қўшиб олиш шартномасининг 1 ва 12-иловаларига мувофиқ) амалга оширилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамият Бош директори Ў.Қиличов сўз олиб, “Шеробод пахта тозалаш” АЖни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖ таркибига қўшиб олиниши сабабли “Топшириш далолатномаси” белгиланган тартибда тузилиб икки акциядорлик жамият томонидан тасдиқланиши лозимлиги хақида ўз фикрини билдирди. Қўшимча сўзга чиқган жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Қаюмов ҳам жамият Бош директорнинг таклифини мақуллаб, “Топшириш далолатномаси” акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан тасдиқланиши лозимлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Топшириш далолатномаси лойиҳаси таништирилди.

Шунингдек, қўшиб олаётган “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга (ҳуқуқий ворисга) ўтадиган актив ва мажбуриятларни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг тегишли миллий стандарти қоидаларига асосан санокдан ўтказиш (инвентаризация) ва натижаси бўйича санокдан ўтказиш далолатномасини тузиш, жамиятни қайта ташкил этиш ва унинг кредиторлари томонидан талаблар қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида матбуотда эълон бериш, кредиторларни аниқлаш ва уларни жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш ҳамда солиқ органлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, юридик шахсларни рўйхатга олиш органи билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ва жамиятни қайта ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ташкилий тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш раиси А.Исломов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 1 256 736 та овоз; “Қаршилар”- 358 044 овоз; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1.“Шеробод пахта тозалаш” АЖ бош директори Ў.Қиличевга 30 кун муддатда қуйидагиларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин:

- жамиятни қўшиб олаётган “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга (ҳуқуқий ворисга) ўтадиган актив ва мажбуриятларни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг тегишли миллий стандарти қоидаларига асосан санокдан ўтказиш (инвентаризация) ва натижаси бўйича санокдан ўтказиш далолатномасини тузиш;

- санокдан ўтказиш далолатномасини тузишда сотилмасдан жамият балансида қолган барча мол-мулклар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, кўчмас мулкка эғалик ҳуқуқини ва номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигига эътибор қаратиш;

- жамиятни қайта ташкил этиш ва унинг кредиторлари томонидан талаблар қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида матбуотда эълон бериш;

- кредиторларни аниқлаш ва уларни жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш;

- солиқ органлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, юридик шахсларни рўйхатга олиш органи билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ва жамиятни қайта ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ташкилий тадбирларни амалга ошириш.

2. “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг актив, ҳуқуқ ва мажбуриятларни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга топшириш тўғрисида тузиладиган топшириш далолатномаси лойиҳаси тасдиқлансин ва уни имзолаш ҳамда санокдан ўтказиш натижаларига асосан актив, ҳуқуқ ва мажбуриятларни “Қумқўрғон пахта тозалаш” АЖга топшириш жамият бош директори Ў.Қиличев зиммасига юклатилсин.

3. Топшириш далолатномаси қўшиб олинаётган ва қўшиб олаётган акциядорлик жамиятлари акциядорларининг қўшма умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Исломов ушбу масала бўйича сўзни жамият Бош директори Ў.Қиличовга берди. У ўзининг маърусасига йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 40-моддасига мувофиқ, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида ушбу Қонунга мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 41-моддага мувофиқ жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган акциядорларда акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги ва бундай ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан етти кундан кечиктирмай акциядорларга юборилади.

Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шарт.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қаршли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг бир дона акциясининг бозор қиймати “VERITAS” МЧЖ баҳоловчи ташкилот томонидан 2025-йил 01-майда **24 333,13** сўмга (йигирма тўрт минг уч юз ўттиз уч сўм ўн уч тийинга) баҳоланган ва экспертиза хулосаси билан тасдиқланган.

Йиғилиш раиси А.Исломов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 256 736 та овоз; “Қаршилар”- 358 044 овоз; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг бош директори Ў.Қиличовга Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 40,41-моддаларига мувофиқ:

- жамиятни қайта ташкил этиш масаласида умумий йиғилишда қарши овоз берган ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан етти кундан кечиктирмай хабардор этиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга акцияларни қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблар билан мурожаат қилган акциядорлардан акцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда баҳоланган қийматда (24 333,13 сўм) (йигирма тўрт минг уч юз ўттиз уч сўм ўн уч тийинга) сотиб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қаршли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиш мумкин эмас.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилингандан сўнг, йиғилиш раиси А.Исломов акциядорларга уларнинг иштироқи учун минатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Мазкур йиғилиш қарорининг ижросини таъминлаш жамият Бош директори Ў.Қиличов зиммасига юклатилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

А.Исломов

Йиғилиш котиби:

У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2025 йил “23” октябрь куни икки нусхада тузилди.